



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темура кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Mavluda Shuxratjon qizi Nishonova Boshqaruv samaradorligini oshirishda sun’iy intellekt imkoniyatlaridan foydalanishning nazariy asoslari	150
Askar Axrorovich Siddikov, Islomjon Umrzoq o‘g‘li Yovqochov Yashil mehmonxona va restoranlar: ekologik boshqaruv va barqarorlik	154
ИНВЕСТИЦИЯ	
Шохида Ильясовна Артикова, Дилноза Наврузовна Султонова Реальные инвестиции как фактор повышения развития экономики страны	157
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Xurshida Abdumalikovna Karjavova Sug‘urta xizmatlari bozorini takomillashtirishda zamonaviy texnologiyalardan foydalanish yo‘llari	161
Alisher Komilovich Baxadirov O‘zbekistonda lizing oluvchilarni ijara muomalalari hisobining amaldagi holatini barqarorlashtirish yo‘llari	167
Faridun Mustafoyevich Tursunov Tijorat banklarida innovatsion masofaviy bank xizmatlarini tashkil etishning ahamiyatli jihatlari	172
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мамаюнус Каршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева, Севара Абдиназаровна Бабаназарова Инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фанининг вазифаларига оид фикрлар	177
Tolmasjon Namoz o‘g‘li Qurbonov “Yashil iqtisodiyot”ning iqtisodiy samaradorligini baholash tahlili	182
Otabek Olimjonovich Sobirov Boshqaruv hisobida sifat nazoratini tashkil etish va takomillashtirish	190
Бобур Фарходович Боронов, Дилноза Гафуровна Худайназарова Корхоналарда даромад ва харажатлар таснифини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш	192
Sirojiddin Haydarovich Shermamatov Uzoq muddatli aktivlar hisobi va auditini tashkil etishning muammo va istiqbollari	200
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Азимжон Фаррухович Мустафоев Нодавлат таълим ташкилотларида моддий харажатлар ҳисобини такомиллаштириш	205
To‘lqin Mardiyev, Azizbek Gafurov Qardosh bo‘lmagan tillarda iqtisodiy idioma va frazeologiyalarning leksik-semantik xususiyatlari	212
Хилола Нематовна Очилова Камбағалликни қисқартиришда олий таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти	215
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Каршибаевич Пардаев 1. Энг зарур тиббий ўғитлар. 2. Онкологлар энди мени кечиришмайди. бутун дунё топмаган дардимга, биргина мева даво бўлди!!	219

etish;

- ishlab chiqarishga mahalliy resurslarni jalb etish hisobiga ishlab chiqarishni mahalliyashtirish va boshqalar.

Mazkur takliflarni amalda qo‘llash orqali xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlar sifatli va arzon mahsulotlarni ishlab chiqarishi, moliyaviy holat barqarorligini ta‘minlash va daromadini yanada oshirib borish imkoniyati yaratiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshqaruv hisobi: Darslik.T.:“Iqtisod-Moliya”, 2019-yil.
2. Sobirov O.O. Boshqaruv hisobi. O‘quv qo‘llanma. Namangan. Usmon Nosir Media nashriyoti. 2023-yil.
3. Sobirov,O.O. “Improvement of management accounting in economic entities”. Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation on Economic Sciences.Tashkent.TMI (2022).
4. Sobirov, Otabek. “Boshqaruv hisobida mas’uliyat markazlarini tashkil etish masalalari”. (2024). 2024 - yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz.
5. Sobirov, Otabek Olimjonovich. “Improment of management accounting methodology in economic entities.”Scientific Journal of International Finance & Accounting” TMI 2 (2023): 2181-1016.

<p>О.Собиров</p> <p>Организация и совершенствование контроля качества со стороны руководства</p> <p>Аннотация. В статье анализируются факторы, влияющие на организацию контроля качества в эффективном управленческом учете хозяйствующих субъектов, а также на обеспечение высокого качества продукции в хозяйствующих субъектах, специализирующихся на производстве и оказании услуг. Кроме того, проанализированы важность организации контроля качества продукции и его внедрения, его влияние на будущие стратегические планы предприятий, установление контроля качества в будущем производственном процессе и проблемы, которые при этом возникают, а также разработаны научные предложения для их решения.</p> <p>Ключевые слова: контроль качества, управленческий учет, производство, прибыль, затраты, внутренний контроль, современные технологии, стратегические управленческие решения, экспорт, материальные ресурсы.</p>	<p>O.Sobirov</p> <p>Organization and improvement of quality control by management</p> <p>Abstract. This article analyzes the factors affecting the organization of quality control in the effective management accounting of business entities, ensuring high quality of products in business entities specializing in production and service provision. In addition, the importance of organizing quality control of the product and its implementation, its impact on future strategic plans of enterprises, the establishment of quality control in the future production process and the problems that arise in it are analyzed, and scientific proposals are developed to solve them.</p> <p>Keywords: quality control, management accounting, production, profit, costs, internal control, modern technologies, strategic management decisions, export, material resources.</p>
--	---

Бобур Фарходович Боронов – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д. (DSc)

Дилноза Гафуровна Худайназарова – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

КОРХОНАЛАРДА ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР ТАСНИФИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

<p>Аннотация. Мақолада даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи тадқиқ этилган, унда хорижий ва мамлакатимизда ишлаб чиқилган даромад ва харажатлар таснифига оид меъёрий ҳужжатлар таҳлили, даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифий асослари, миллий ва халқаро стандартларда келтирилган тартиб-қоидалар очиқ берилган. Шунингдек, тадқиқотлар натижасида бухгалтерия ҳисобида даромад ва харажатларни назарий жиҳатдан такомиллаштирувчи таърифлари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.</p> <p>Калит сўзлар: одатий фаолиятдан олинган даромадлар, бошқа тушумлар, одатий фаолият бўйича харажатлар, бошқа харажатлар, операцион даромадлари, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавқулудда фойда, давр харажатлари.</p>
--

Кириш. Бугунги кунда, Республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг янги тизимини жорий этиш, бошқарув механизмнинг замонавий усулларини қўллаш, шунингдек бухгалтерия ҳисоби соҳасида халқаро тажрибалар асосида ижобий ўзгаришларни таъминлаш ҳамда корхоналарнинг даромад ва фойда кўрсаткичларини оширишни тақозо этмоқда. Бу борада, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 27 декабрда қабул қилинган “Тадбиркорлар учун тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”¹ги Фармонида “Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бозорда тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш, шунингдек йиллик даромади 1 триллион сўмдан ошган, 5 мингдан ортиқ иш ўринларини яратган ҳамда камида 100 миллиард сўм солиқ тўлаётган етакчи тадбиркорлик субъектлари рўйхатини шакллантирган ҳолда улар масалалари билан манзилли ишлашни ташкил қилиш ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектларини ушбу тоифага олиб чиқиш учун шарт-шароитлар яратиш” каби устувор вазифалар қўйилган. Ушбу белгиланган вазифалардан қўрилган асосий мақсад мамлакат миллий иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини барқарорлаштириш, ушбу йўлда уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, рақобат муҳитини барпо этиш бўлиб ҳисобланади. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларига, жумладан фойда кўрсаткичларининг ошиб боришига хизмат қилади. Корхоналарда фойда кўрсаткичларининг ошиб бориши эса, бевосита даромад ва харажатларни тўғри бошқаришга, улар устидан назорат ўрнатиш орқали самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга, шунингдек даромад ва харажатлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритишга боғлиқдир. Ушбу масалалар эса, бухгалтерия ҳисоби олдида даромад ва харажатларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида тўғри таснифлаш, халқаро тажрибаларга мувофиқлаштириш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Халқаро стандартларда даромад ва харажатларнинг қуйидаги таснифи ишлаб чиқилган:

- (а) фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботга;
- (б) фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботдан ташқарида— бошқа умумлашган даромадга².

Республикамизда ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида даромад ва харажатларнинг таснифи турли хил шаклда келтирилган. Жумладан, 1-сонли БҲМС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати”да молиявий ҳисоботнинг 2-шакли ҳисобланадиган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ёритилиши керак бўлган ахборотлар қуйидаги кўринишда келтирилган:

- * сотишдан соф тушум;
- * сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) таннари;
- * асосий фаолиятдан бошқа операциялар даромад ва харажатлар;
- * молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлар³.

2-сон БҲМСда эса, даромадлар иккига таснифланган бўлиб, улар асосий ва молиявий фаолиятдан даромадлар⁴.

Республика иқтисодчи олимларидан М.Калонов хўжалик юритувчи субъектлар даромадларини икки гуруҳга ажратган ҳолда уларнинг ҳар бирини алоҳида таснифини ишлаб чиққан. Бундай даромад гуруҳларига корxonанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган даромадлар ҳамда бошқа даромад ва тушумларни киритади. Биринчи гуруҳ даромадлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлар учун тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2024 йил 27 декабрь. ПФ-229.

² Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи. Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асослари. 2022 йил 10 ноябрь, 61-сон.

³ 1-сон БҲМС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати”. 06.08.2024 й. 3544-сон.

⁴ 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар”. 05.08.2024 й. 3542-сон.

таркибига корхонанинг асосий фаолиятини кўрсатиш натижасида олинган даромадлари ҳамда бошқа фаолиятлари бўйича даромадларини киритган бўлса, иккинчи гуруҳ бўйича даромадлар таркибига эса, корхонанинг фаолиятлари билан боғлиқ бўлмаган даромадлар ҳамда бошқа даромадларни киритади¹. Олим томонидан ишлаб чиқилган бундай таснифий асослар харажатлар ҳисобига ҳам тегишли бўлиб, харажатлар таснифи бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар автотранспорт корхоналари фаолиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда ушбу тармоқ корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаш мумкин.

З.Б.Эшпулатова корхона даромадларини икки гуруҳга ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобайди. Унинг тадқиқот ишларида даромадлар асосий, яъни одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлган даромадлар ҳамда бошқа, яъни одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадларга ажратилган ҳолда таснифланган. Даромадларнинг биринчи қисмига сотишдан олинган соф тушум ҳамда молиявий даромадларнинг бир қисми киритилган бўлса, бошқа даромадлар таркибига молиявий даромадларнинг қолган қисми ва корхона фаолиятида учрайдиган яна бошқа хил кўринишдаги даромадлар ўз аксини топган².

Д.Ташназарова томонидан бажарилган илмий-тадқиқот ишларида ҳам харажатлар таснифига оид тавсиялар келтирилган бўлиб, унда корхона харажатлари одатдаги фаолияти билан боғлиқ ва одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар бўйича таснифланган ҳамда уларнинг таркибий қисмлари белгилаб берилган. Жумладан, корхонанинг операцион фаолияти бўйича харажатлари, молиявий, инвестиция, инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик фаолиятлари бўйича харажатлари одатдаги фаолият бўйича харажатлар таркибида таснифланган бўлса, фавқулодда ҳолатлар бўйича харажатлар, жорий бўлмаган активларни тасарруф этишдан зарарлар ҳамда курс фарқлари бўйича зарарлар корхонанинг одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлари таркибига киритилган³.

А.Мустафоев даромад ва харажатларни тўртта гуруҳга таснифлайди: асосий фаолият бўйича даромад ва харажатлар, қўшимча фаолият бўйича даромад ва харажатлар, асосий бўлмаган фаолият бўйича даромад ва харажатлар ҳамда бошқа фаолият бўйича даромад ва харажатлар⁴. Ушбу тавсиялар айнан нодавлат таълим ташкилотларининг ўзига хос фаолиятлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу таснифий асосларни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча турдаги корхоналарнинг фаолиятига тўлиқ мос келади, деб бўлмайди.

Тадқиқот методологияси. Корхоналарда даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, статистик таҳлил, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Юқорида келтирилган тадқиқот натижаларидан кўриш мумкинки, корхоналарда даромад ва харажатларга оид ахборотларнинг ҳисоб ва ҳисоботларда ёритилиши турлича талқин қилинган. Шунинг учун, корхона даромад ва харажатларини бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифий асосларини ишлаб чиқиш бухгалтерия ҳисоби олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

¹ Калонов М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш (автотранспорт корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Т.: 2019. 29-бет.

² Эшпулатова З.Б. Корхоналарда даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. –Т.: ТДИУ, иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2022, 148 б.

³ Ташназарова Д.С. Корхоналарда маҳсулот таннархи ҳисобини такомиллаштириш. –Т.: ТДИУ, иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2023, 129 б.

⁴ Мустафоев А.Ф. Нодавлат таълим ташкилотларида харажатлар ва даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи: халқаро ва миллий жиҳатлар. // “Иқтисодиёт ва туризм” халқаро илмий ва инновацион журнали. - 2024, №6(20).

Хорижий мамлакатларда ишлаб чиқилган даромад ва харажатларнинг таснифий асосларига оид меъёрий ҳужжатларни мамлакатимизда амалда бўлган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”¹ билан солиштириш мақсадга мувофиқ:

1-жадвал

Хорижий ва мамлакатимизда ишлаб чиқилган даромад ва харажатлар таснифига оид меъёрий ҳужжатлар таҳлили²

<p>“Корхона харажатлари” бухгалтерия ҳисоби бўйича Низом (ПБУ 10/99)</p>	<p>Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом</p>
<p>I. Даромадлар бўйича</p>	
<p>1. Одатий фаолиятдан олинган даромадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> * тайёр маҳсулот, товар, иш ва хизматларни сотишдан олинган даромадлар. <p>2. Бошқа тушумлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> * мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар; * ихтиролар, саноат намуналари ва интеллектуал мулкнинг бошқа турлари бўйича патентлар бўйича ҳуқуқларни ҳақ эвазига бошқа корхоналарга фойдаланишга бериш натижасида олинган даромадлар; * бошқа корхоналарнинг устав капиталига иштирок этиш билан боғлиқ даромадлар; * биргаликдаги (шериклик шартномаси) фаолиятдан олинган даромадлар; * асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа активларни сотишдан олинган даромадлар; * корхона пул маблағларини фойдаланишга берганлик учун ёки банк томонидан фойдаланилганлиги учун олинган фоиз кўринишидаги даромадлар; * шартнома шартларини бузганлик учун жарималар, пенялар; * текинга ва совға шартномаси бўйича келиб тушган активлар; * корхонага кўрсатилган зарарни қоплаш бўйича даромадлар; * жорий ҳисобот даврида аниқланган олдинги йиллар фойдаси; * даъво муддати ўтган кредиторлик ва 	<p>1. Сотидан олинган соф тушум:</p> <ul style="list-style-type: none"> * тайёр маҳсулот, товар, иш ва хизматларни сотишдан олинган даромадлар. <p>2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операцион даромадлари):</p> <ul style="list-style-type: none"> * турли хил кўринишидаги жарималар, пенялар, зарарларни ундиришдан олинган даромадлар; * жорий ҳисобот даврида аниқланган олдинги йиллар фойдаси; * ёрдамчи хўжаликлардан тушган тушум, рента даромади; * активларнинг чиқиб кетишидан олинган даромадлар; * даъво муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар; * Давлатдан олинган ёрдам, субсидиялардан даромадлар; * беғараз молиявий ёрдам тарзидаги даромадлар; * бошқа операцион даромадлар. <p>3. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> * олинган роялтилар ва сармоя трансферти; * бошқа корхоналарга киритилган инвестициялардан олинган дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар; * бошқа корхоналарга киритилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 1999 йил 5 февраль. 54-сон.

² Меъёрий ҳужжатлар асосида муаллиф ишланмаси.

<p>депонент қарзларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар; * курс фарқларидан олинган даромадлар; * активларни қайта баҳолаш натижасида даромадлар; * бошқа даромадлар.</p>	<p>инвестицияларни қайта баҳолаш натижасида олинган даромадлар; * мол-мулкни молиявий ижарага беришдан олинган даромадлар; * чет эл валюталаридаги операциялар натижасида юзага келган ижобий курс фарқлари бўйича даромадлар; * бошқа молиявий даромадлар. 4. Фавқулодда фойда: * тасодифлар натижасида, кўзда тутилмаган тарзда олинган фойда.</p>
---	--

II. Харажатлар бўйича

<p>1. Одатий фаолият бўйича харажатлар: * хом ашё, материаллар ва бошқа ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар; * товар-моддий бойликларини ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган моддий, меҳнат ҳақи, ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратмалар, амортизация ва бошқа харажатлар. 2. Бошқа харажатлар: * корхона активларини ҳақ эвазига вақтинчалик фойдаланишга бериш билан боғлиқ харажатлар; * ихтиролар, саноат намуналари ва интеллектуал мулкнинг бошқа турлари бўйича патентлар бўйича ҳуқуқларни ҳақ эвазига бошқа корхоналарга фойдаланишга бериш билан боғлиқ харажатлар; * бошқа корхоналарнинг устав капиталига иштирок этиш билан боғлиқ харажатлар; * асосий воситалар ва бошқа активларни сотиш билан боғлиқ харажатлар; * ундан фойдаланиш учун маблағлар берганлик учун корхона томонидан тўланадиган фоизлар кўринишидаги харажатлар; * кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича харажатлар; * шартнома шартларини бузганлик учун жарималар, пенялар; * корхонага кўрсатилган зарарни қоплаш бўйича даромадлар; * жорий ҳисобот даврида аниқланган олдинги йиллар зарари; * даъво муддати ўтган дебиторлик қарзлари, ундириб олишнинг имконияти бўлмаган бошқа қарзлар бўйича харажатлар; * курс фарқларидан кўрилган зарарлар; * активларни қайта баҳолаш натижасида</p>	<p>1. Маҳсулот, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар: * маҳсулот таннархига киритиладиган моддий, меҳнат ҳақи, ижтимоий солиқ, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси ва бошқа харажатлар; * сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар бўйича харажатлар; * ишлаб чиқариш жараёни натижасида аниқланган яроқсизликлар ва тафовутлар бўйича харажатлар; * асосий ишлаб чиқариш жараёнларига сарфланадиган барча турдаги харажатлар. 2. Давр харажатлари: * барча кўринишдаги сотиш харажатлари; * барча кўринишдаги маъмурий харажатлар; * бошқа операция харажатлар. 3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар: * банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан олинган узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича фоиз кўринишидаги харажатлар; * мол-мулкни молиявий ижарага олиш натижасида тўланадиган фоиз кўринишидаги харажатлар; * чет эл валюталаридаги операциялар натижасида юзага келган салбий курс фарқлари бўйича даромадлар; * бошқа корхоналарга киритилган инвестицияларни қайта баҳолаш натижасида кўрилган зарарлар; * қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш натижасида амалга оширилган харажатлар;</p>
---	--

<p>харажатлар; * хайрия фаолияти, спорт тадбирлари, дам олиш, кўнгилочар, маданий-маърифий тадбирлар ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар; * бошқа харажатлар.</p>	<p>* бошқа молиявий фаолият бўйича харажатлар. 4. Фавқулодда зарарлар: * тасодифлар натижасида, кўзда тутилмаган тарзда кўрилган зарарлар.</p>
--	---

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, мамлакатимизда бугунги кунда даромад ва харажатлар ҳисобини юритиш бўйича асосий меъёрий ҳужжатда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг даромад ва харажатларининг ҳар бири тўртта гуруҳ бўйича таснифланган.

Иккинчидан, мамлакатимизда амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар хорижий мамлакатларда ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлардан айрим жиҳатлари билан фарқ қилади. Жумладан, Россия мамлакатаида даромад ва харажатлар таснифи икки гуруҳга ажратилган бўлиб, булар одатий ва бошқа фаолият бўйича даромад ва харажатлар. Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган даромад ва харажатларга оид мазкур таснифий қоидалар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида келтирилган тартиб-қоидаларга мувофиқ келади, деб айтиш мумкин. Бироқ, ушбу даромад ва харажатларнинг таснифий асосларининг таркибий қисмларини халқаро талабларга мос келади, деб бўлмайди.

Учинчидан, хорижий давлатлар меъёрий-ҳужжатларида ишлаб чиқилган тартиб қоидаларга мувофиқ, корхонанинг одатий фаолияти бўйича даромадларига асосий фаолиятни амалга ошириш натижасида олинган даромадлар киритилган бўлса, бошқа даромадлар таркибига асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий даромадлар ва бошқа фаолият бўйича даромадлар киритилган. Харажатлар таркибида эса қуйидаги тартибда: одатий фаолият бўйича харажатлар таркибига корхонанинг асосий фаолияти бўйича амалга оширилган харажатлар киритилган бўлса, бошқа харажатлар таркибига эса, молиявий ва бошқа фаолият бўйича харажатлар киритилган. Бироқ, миллий ҳисоб тизимиздан фарқли равишда давр харажатлари бўйича таснифий қоидалар, уларнинг таркибий қисмлари халқаро меъёрий-ҳужжатларда ёққол ўз аксини топган, деб бўлмайди.

Тўртинчидан, корхоналарда илғор хорижий тажрибаларга мувофиқ даромад ва харажатлар бухгалтерия ҳисобини юритиш, ушбу бухгалтерия ҳисоби объектларини молиявий ҳисоботда уларнинг таснифий элементлари бўйича акс эттириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун, бугунги кунда даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифини халқаро стандартлар талабларига мослаштиришга оид илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш зарурияти мавжуд.

Даромад ва харажатларни юқорида ажртилган тартиблар асосида уларнинг таснифий асосларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Чунки, молиявий ҳисоботнинг ички ва ташқи ахборот ахборот фойдаланувчилари корхона даромад ва харажатларини, айнан ушбу таснифий белгилари орқали тезкорлик билан самарали таҳлил қилишга ва бу орқали иқтисодий наф олишга эришишлари мумкин. Шунинг учун, бугунги кунда корхоналарда даромад ва харажатларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ (1-жадвал):

Даромад ва харажатларнинг биз томонимиздан ишлаб чиқилган мазкур таснифий асослари корхоналарда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритишда муҳим ҳисобланиб, даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги ушбу таснифи ташқи ва ички инвесторларга уларга оид ахборотларни тақдим этишда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифий асослари¹

Таснифий белгилари	Таснифлаш гуруҳлари	Таснифий гуруҳлари бўйича таркиби
Даромад турларига кўра	Одатдаги фаолият бўйича даромадлар	Асосий фаолият бўйича даромадлар
		Молиявий фаолият бўйича даромадлар
	Бошқа даромадлар	Фаолиятга тегишли бўлмаган даромадлар
		Бошқа даромадлар
Харажат турларига кўра	Одатдаги фаолият бўйича харажатлар	Асосий фаолият бўйича харажатлар
		Молиявий фаолият бўйича харажатлар
	Бошқа харажатлар	Фаолиятга тегишли бўлмаган харажатлар
		Бошқа харажатлар

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилган тадқиқотлар давомида қуйидаги илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, корхоналарда даромад ва харажатларни биз томонимиздан тавсия этилган шаклда гуруҳларга ажратиш ҳамда таснифини белгилаш уларнинг фаолияти бўйича молиявий натижаларни тўғри шакллантиришга хизмат қилиб, даромад ва харажатлар бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишга ҳамда юритишга асос бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, даромад ва харажатларни юқорида келтирилган тартиб-қоидалар асосида бир хил шаклда таснифлаш ҳамда уларнинг таркибий қисмларини юқорида ишлаб чиқилган мезонларга таянган ҳолда белгилаб олиш корхоналарда даромад ва харажатларга оид ахборотларни тезкор равишда қиёсий таҳлил қилиш имкониятини беради. Бу эса, бошқарув қарорларини қабул қилишга жуда муҳим ҳисобланади.

Учинчидан, бизининг фикримизча, корхоналарда одатдаги фаолият бўйича харажатлар таркибидан асосий фаолият бўйича харажатларни ажратиш орқали ишлаб чиқарилган ёки кўрсатилган хизматлар таннархини аниқлаш ҳамда уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш зарур. Ушбу харажатлар таркибига эса, тайёр маҳсулот, товар, иш ва хизматларни сотиш натижасида амалга оширилган харажатларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, корхонанинг бошқа фаолият натижаларини ҳам ушбу таснифий асослар орқали солиштириш мумкин бўлиб, ушбу эришилган натижалар даромад ва харажатлар бўйича молиявий ахборот камровини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Тўртинчидан, бугунги кунда корхоналар нафақат асосий, балки бир вақтнинг ўзида бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланиб келмоқда ва ушбу фаолиятлар натижасида турли хил кўринишдаги даромадлар олмақда. Тадқиқотлар давомида ушбу даромадлар биз томонимиздан икки гуруҳга ажратилди: одатдаги фаолият бўйича даромадлар ҳамда бошқа даромадлар. Харажатлар таркибини ҳам худди даромадлар таркиби каби гуруҳларга ажратиш тавсия этилди ва уларнинг таркиби халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида биз томонимиздан даромад ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида ишлаб чиқилган мазкур таснифий асослари корхоналарда даромад ва харажатларнинг ҳисоби ва ҳисоботини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида кўрсатилган тартибда юритишда хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 1999 йил 5 февраль. 54-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлар учун тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2024 йил 27 декабрь. ПФ-229.
3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи. Молиявий ҳисоботларни тақдим этишининг концептуал асослари. 2022 йил 10 ноябрь, 61-сон.
4. 1-сон БҲМС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати”. 06.08.2024 й. 3544-сон.
5. 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар”. 05.08.2024 й. 3542-сон.
6. Калонов М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш (автотранспорт корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: 2019. 29-бет.
7. Эшпулатова З.Б. Корхоналарда даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. –Т.: ТДИУ, иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2022, 148 б.
8. Ташназарова Д.С. Корхоналарда маҳсулот таннархи ҳисобини такомиллаштириш. –Т.: ТДИУ, иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2023, 129 б.
9. Мустафоев А.Ф. Нодавлат таълим ташкилотларида харажатлар ва даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи: халқаро ва миллий жиҳатлар. // “Иқтисодиёт ва туризм” халқаро илмий ва инновацион журнали. -2024, №6(20).

<p style="text-align: center;">Б.Боронов, Д.Худайназарова</p> <p style="text-align: center;">Совершенствование классификации доходов и расходов на предприятиях на основе международных стандартов</p> <p>Аннотация. В статье рассмотрена классификация доходов и расходов как объекта бухгалтерского учета, в которой на основе анализа нормативных документов по классификации доходов и расходов, разработанных в нашей стране и за рубежом, раскрыты основы классификации доходов и расходов как объекта бухгалтерского учета, процедуры, представленные в национальных и международных стандартах. Также в результате исследования автором разработаны теоретически усовершенствованные определения доходов и расходов в бухгалтерском учете.</p> <p>Ключевые слова: доходы от обычных видов деятельности, прочие доходы, расходы от обычных видов деятельности, прочие расходы, операционные доходы, доходы от финансовой деятельности, чрезвычайная прибыль, расходы периода.</p>	<p style="text-align: center;">B.Boronov, D.Khudaynazarova</p> <p style="text-align: center;">Improving the classification of income and expenses at enterprises based on international standards</p> <p>Abstract. The article examines the classification of income and expenses as an object of accounting, in which, based on the analysis of regulatory documents on the classification of income and expenses developed in our country and abroad, the principles of classification of income and expenses as an object of accounting, the procedures presented in national and international standards are revealed. Also, as a result of the research, the author developed theoretically improved definitions of income and expenses in accounting.</p> <p>Keywords: income from ordinary activities, other income, expenses from ordinary activities, other expenses, operating income, income from financial activities, extraordinary profit, expenses of the period.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

14.03.2025 йилда теришга берилди. 25.03.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,87. Адади 100 нусха. Буюртма № 0012А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.